


ВАТАН ТИМСОЛЛАРИ



Истиклол нури-ила мунаввар — ўзгараётган, янгиланаётган, юксалаётган жаннатмакон Тошкентимиз ҳар биримизнинг қалбимиз тўрида, кўз қарогимизда...

Сурат муаллифи: М.МИРСОДИҚОВ

УШБУ
СОНДА

ЎЗБЕК
ОИЛАСИГА
ХАВАСИМ
КЕЛАДИ

2

АЖАЛ
СЎҚМОҒИ

3

БУ ЭРКАККА
ШУНДАЙ БИР
СЎЗ АЙТСАК...

4-5

ЧОРШАНБАДАН
ЧОРШАНБАҒАЧА

4-5

ЁМОН СЎЗНИНГ
КАСРИ

6

БИЛИБ БОСДИМ,
ТИКОННИ

7

НАЗМ
ДАФТАРИДАН

8

УШБУ
СОНДА

Суровнома

МУСТАҚИЛЛИК-БАХТИМИЗ- ТАХТИМИЗДИР



1. Ватанимиз мустақиллиги сизнинг шахсий ҳаётингиз, оилангиз, қон-қариндошларингиз тақдирида қандай аҳамият касб этди?
2. Ўтган етти йил давомида мамлакатимиз миқёсида, оилангиз доирасида юз берган қайси ўзгаришларни алоҳида қайд этишни истардингиз?
3. Ватан иқболи, истиқболи ҳақида уйларкансиз ҳаёлингиздан нелар кечади?

1. Замола шиддат билан илгариларияпти. Кечаги кун-кеча. У бугунги кунларимизга сира ўхшамайди. Илму фандаги кашфиётлар, техника-технологиядаги, замондошларимиз онг-тафаккуридаги ўзгаришлар, ушшлар ҳаммаси бошқача. Меҳнат инсонни улуглайди, дерканмизу, меҳнатдан меҳнатнинг фарқи катталигини мустақиллик тўғрисида англаб етдик. Етмиш йиллик меҳнатимиз — кун бўйи заранг ерда қуш ҳайдаган девжоннинг меҳнати сингари унуми, роҳати йўқ меҳнат бўлган экан. Танимизга чарқоқлик, ҳорғинлик берган экан, холос. Узим етмишда қолган норасида етимларни тарбиялаб элга қушгунча бечора, муштарак меҳнатчилари қанчадан-қанча тош-деворларга урилмаган дейсиз?

Мустақилликимиз — озод кунларимиз бошланди. Бугунгидай дунёга чиқилар, уммон ортидаги нуфузли мамлакатларда таҳсил олишлар авваллари ёшлар туғул, биз катталарнинг ҳам тушимизга кирмас, тасаввуримизга сизмасди.

Икки йил муқаддам умр йўлдошим Аҳмадон Омонов ташаббус курастиб, макарон ишлаб чиқарадиган кичик корхона очиб учун Тошкентдаги машҳур «Альгорит» фирмаси билан ҳамкорлик ўрнатдик. Бугун «Гулбарги», «Қайрилма», «Денгиз чигангои» сингари турли шакллардаги макарон маҳсулотларидан ташқари қандолатчиликни ҳам йўлга қуйганмиз.

2. Бу озод кунларга етганимизга шукур қиламан. Аввало, аждодларимиз удуми — Навруз қайтиб келди. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Шурилик халқимизнинг бошидан нима кунлар умдаки. Бидъат, хурофот деб, сумалакни қозони билан агарданлар бўлди. «Закон» шундай дея Навруз, ҳайит-рузаларни эскилик сарқити экан дедик. Ҳатто, шу даражага бориб-мизки, раҳбар киши ўз атасининг жанозасида қатнашишга иккиланиб турарди.

3. Беш фарзандим бор. Тунгичим Ҳайитбой пойтахтдаги Иқтисодиёт Дирекциясида, кичигим Элмуроджон вилоят турк-узбек лицейида инглиз тили бўлимида сабоқ олишмоқда. Бу йиллар мобайнида ҳовлимизда неча ёр-ёрлар айтилиб, қақолоқлар йиғляпти. Ҳаммаси учун ич-ичидан суюниб, шукур қиламан. Тонгичи жойнамоз устида элни дуо қилаётган кекса онамга қараб эртанги кунларимизни яна ҳам нузли манзилларда — ҳар томонлама етуқ, ривожланган давлатлар ҳам ҳисоблашадиган даражада баркамол, фаровон кургим келади. Илоҳим, юртимиз тинч бўлиб, ёшлари асло завол курмасин. Дунёни яхшилик безайди. Дуоларда куҳаргин, элим!

МАРҲАМАТ ОМОНОВА,
Жиззах шаҳридаги «Камолот» хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг раҳбари.

Барбара Келлер:
(олмониялик туркшунос олим)

ЎЗБЕК ОИЛАСИГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

— Биз, бир гуруҳ олмониялик туркшунос талабаларим билан юртингдаги турли оилаларда бир неча вақт истиқомат қилгандик. Ўзбек оиласининг турмуш тарзи билан яқиндан танишим бахтига муяссар бўлгандик. Бундай ошқора мулоқотга шарт-шароит яратгани учун ҳукуматингизга, Тошкент Давлат Дорилфунуни маъмуриятига ўз ташаккуримизни изхор этамиз.

Олмон оиласи билан ўзбек оиласини қиёсласак уйғунлик ҳамда фарқли томонларни кураимиз.

Уйғунлиги шундаки, боланинг бош тарбиячиси — оила, Она. Республикангизда 1998 йил — Оила йили, деб эълон қилиниши келажакка қуйилган яна бир дадил қадамдир. Ўзбек оиласидаги меҳмондорчилик, урф-одатлар омухташ бўлган туй-маъракалар, бу миллий қадриятлар авлоддан-авлодга ўтиб, камол топишининг асосий негизи.

Сайёра Самигъонова хонадониди, бешик туйида бўлганимизда кишини тўқинлантирадиган воқеанинг шохиди бўлдим. Турт ёшли, асалдек ширин қизалоқ бошига зар румол ташлаб «келин салом» қилди. Бу менимча, «Ўзбекона кашфийт» эди. Туйхона туридаги сарпо-совғаларни куриб, ажабланганимни сезган хонадон соҳибаси тушунтирди.

— Удум, — деди қулиб, — бизда ҳам келинини, ҳам кувининг отанаси то ўш оила ўзини иқтисоддан тиклаб олмагунча моддий ёрдам беради.

Қирқ ёшли бувининг гаплари мени аввалига ажаблантирди. Чунки, бозор иқтисодиётига ўтишининг узига яраша қийинчиликлари бўлади.

— Бу совға-сарполарга ортиқча

маблағлар...
Саволимнинг ярида Сайёра мулоким келди:

«Тома-тома кул булур» деган нақл бор. Қолаверса, яна бир нақл: «Купдан кувен қочиб қутилмайди». Ака-укалар, опа-сингиллар албатта томошабин бўлиб туришмайди.

Қон-қариндошлар, аҳли оила уртасидаги аҳиллик, меҳр-оқибат мени тўқинлантирди.

Олмонияда эса мустақил, катта ҳаёт йўлига чиқиб олган ёшлар ўз иқтисодларини, ўз муаммоларини ёлғиз уларни ҳал қилишга мажбурлар.

Олмониядаги куп сонли, айниқса, ёшлар орасидаги ишисизлик муаммосининг ечимини ҳам айнан ўзбек оиласида топдим.

Ақлини таний бошлашиданок болаларни меҳнатга қурбан тобе этиш самарасини ўзбек оиласида курдим.

Қули келишиб супуриб-сидиришга одатланган, игна-ип, ангишона тута олиб, бичиш-тиқишни урганган қизалоқ онасининг ақин кумакчисига айланиши, ўғил боланинг отаси билан ёлма-ён меҳнатга қунмика ҳосил қилиши менинг ҳавасимни келтирди.

Агар лозим бўлса, «Оила ва жамият» газетаси орқали бир фирқани билдирмоқчи эдим. Санъаткорлар, тадбиркорлар, савдогарлар ва зиёлилар бошқа давлатлардаги ҳамкасблари билан ҳамфирқ, тажриба алмашишлари одат тусига кириб бормоқда. Мана шу тадбир оилалар уртасида ҳам амалга оширилса...

Истиқлол шабадаси

МИНГ МИСОЛДАН БИР МИСОЛ

Чамаси 1980 йиллари Республика радиосининг «Табассум» радиожурналида муҳаррир бўлиб ишлар эдим.

Уша кезлари ТошДУ домлаларидан бири Наби Раҳимов кўпинча қизиқ-қизиқ хангомалари билан «Табассум»да қатнашиб турар эдилар.

Ҳа, домла Наби Раҳимов актёр Наби Раҳимовга тенгдош бўлиб, қувноқликлари, табассумга шайдоликлари ҳам ухшар эди. Ҳатто бир кун иккала Наби Раҳимов троллейбусда учрашиб қолиб, узаро хангомалашиб, тушадиган бекатдан ўтиб кетишган экан.

Иккала Наби Раҳимовнинг самимий хангомалари бир неча бекат давомида троллейбусдагиларни ҳам ром этган эди.

Кечагидай эсимда уша йиллари, домла Наби Раҳимов билан хонамда чой ичиб утирганимизда, домла менга қараб: «Укам, матбуотларда ўқиб турибмиз, ер юзида куплаб давлатлар мустақил бўляпти. Бизнинг Ўзбекистонимиз ҳам қачондир мустақил бўлармика-а?» — деган эдилар.

Ҳа, домла мустақилликнинг шабадасидан нафас олиш учун, уни ўз кузлари билан куришлари учун узларидидаги жами бойликларини беришга тайёр эдилар ва қулимдаги барча неъматларни мустақил давлатим равнақи учун ҳада қилардим, зеро шундагина дунёдан беармон утардим», — дегандилар ушанда.

Ҳа, бу улуг кунларга етиб келиш учун қанча-қанча яхши инсонлар ўз умрларини сарф этдилар, қобилият, иқтидорлари ила бу кунларга тезроқ келишга хизмат этдилар. Буларнинг баъзилари эса бугунги кунда орамизда эмаслар. «Ҳа, бу кунга етганлар бор, етмаганлар бор».

Шундай экан мустақилликдаги кунларимиз, ҳатто сонияларни қадрига етиб, уни мустақамлаш учун астойдил ҳаракат қилишимиз бу кунларга етганлигимиз учун яратганга беадаб шуқроналар қилишимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Ўз давлатингда эркин нафас олиб, ҳеч кимдан туртки емай, шу кунларга етказган истиқлолга не етсин.

Саидмурод САИДАҲМАД

АХБОРОТ

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙНИНГ

Тошкент вилоятининг бир гуруҳ фаол хотин-қизлари Хоразм ва Бухоро вилоятлари бўйлаб сафарда бўлиб қайтдилар. Сафаримиз ўз номи билан қуёшли макон деб номланувчи Хоразм вилоятидан бошланди.

Вилоятнинг тарихий обидалари, маданий ёдгорликларини томоша қилдик. Узининг 2500 йиллигидан кейин яна ҳам салобатли ва ҳайратланарли қиёфа ашф этган афсонавий ва қуҳна Хива шаҳри билан танишдик. Бу ердаги бебаҳо тарихимиз, бой ўтмишимиздан ҳикоя қилувчи Ичан қалъа, Паҳлавоон Маҳмуд мақбараси, Калта минор, Карвонсарой ва буюқ аждодларимиз мақбаралари кишида ҳаяжон уйғотди.

Дастуримизга кура сафаримиз давомида Олот, Пешку, Бухоро туманлари меҳнаткашларининг мустақиллик йилларида қулга киритавтган ютуқлари, маҳаллий халқнинг узига хос урф-одатлари, удумлари билан ҳам танишдик. Валий, Саййид Амир Қуллол, Ҳазрат хожа Абдуҳалиқ Гиждувоний мақбараларини тавоф этдик. Бу муқаддас зиёратгоҳлардан руҳимиз тетиклашиб, қалбларимиз тиниклашгандек ҳис қилдик ўзимизни.

Албатта, Бухорои Шарифда бўлган киши Бухоронинг меъморий ёдгорликлари, Арк, Ситораи Моҳи Хосани курмай қайтмайди. Айниқса, «Ой, юлдузлар орасидаги сарой», деб номланган Ситораи Моҳи Хоса ансамбли мажмуига кирувчи гузал санъат обидалари қаршисида ҳайратланиб, лол қолдик.

Умуман, сафар қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Ҳар бир иштирокчи бу ердан бир олам ҳайрат ва ифтихор билан қайтди.

ОИЛА — МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Юртбошимиз томонидан «Оила йили» деб эълон қилинган 1998 йил ҳам ҳадемай яқунланади. Шу кунгача юртимизда бу борода қўллаб ҳайрли ишлар амалга оширилди. Ушбу йилда айниқса, Оила масалаларига бағишланган куплаб тадбирлар ўтказилди.

Ҳақда республикамиздаги «оила илмий-амалий» Марказида «Республикамизда оила масалаларини ўрганиш муаммолари»га бағишланган семинар Президентимиз И.А.Қаримовнинг Вазирилар Маҷмааси йиғилишида «Халқ фаровонлиги — фароиятимиз мезони» мавзусида қилган маърузасидан келиб чиққан ҳолда «Оила» Марказининг вазифаларига бағишланди. Тадбирда республикамиздаги оилаларнинг демографик муаммоларини ўрганиш ва уларга ёрдам бериш билан шуғулланувчи олимлар ва мутахассислар қатнашдилар.

Йиғилишда «Оила илмий-амалий» Марказининг директори, педагогика фанлари доктори, профессор О.Мусурмонова Марказини ярим йиллик иш якунлари ҳамда режалари ҳақида маъруза қилди.

Ақлия вазирилик, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» хайрия жамғармаси «Камолот», Болалар хайрия жамғармаси билан биргаликда оилаларнинг саломатлигини ўрганиш, чуқур таҳлил қилиш учун улги билан учрашувлар уюштирилди.

Маҳалла, оила мактаб дастурига асосан Марказнинг мутахассис ходимлари алоҳида иш олиб бормоқдалар. Энг катта эътибор оилаларнинг демографиясини ўрганиш даврида ногирон болаларга эътибор қаратилишидан иборат.

Ушбу масала бўйича «Оила» илмий-амалий Марказининг бўлим бошлиғи педагогика фанлари доктори, профессор Д.Шарипова ҳамда шоғирларининг хизматини айтиш мақсада мувофиқдир.

Ҳудди шундай масалалар юзасидан Республика таълим марказининг директори Г.Б.Шоурмаров Ўзбекистон Миллий реабилитация марказининг бош директори Тиббиёт фанлари доктори, профессор Ж.Ю.Нажмиддиновларнинг маърузалари йиғилганлар томонидан қизиқиш билан қулиб олинди.

Шунингдек семинарда Республика Бош вазири уринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова қатнашди ва сузга чиқди.

Ўз мухбиримиз

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

АЖАЛ СЎҚМОҒИ

Етимчўққи деб эшитганимиз бор. Улка-миздаги ҳар бир тоғда шундай чўққилар учиради. Улар асосий тизмадан не бир сабаб билан — зилзила оқибатида, шамол, ёмғир-сөл таъсирида ажралиб қолган бўлиб, сўпайиб туришади. Бирлари йирик бир тоғ каби келади, бирлари — унинг бир бўлағидек. Аммо уларнинг ҳам-масига хос хусусият шулки, ҳеч бир тизма билан ушлашмай, ёлғиз туришади. Уларнинг устида — қа-чида, одатда, равоч, кав-рак, чайир каби усимлик-лар битида ва улар жуда кам умр куришади. Пар-ранда оламидан ғажирлар яшайди, ёввойи қурка — улар (ҳилолат) ҳам макон тутиши мумкин. Йироқдан ўта чиройли куринади бун-дай етимчўққилар. Бошлар-и булутларга тегиб тура-ди, ўрқач устида мудом бургутлар айланади. Паст-дан қарасангиз, дўпнингиз тушади.

Қадриятларимиз қаърига боқсак



Ана шундай Етимчўққи-ларнинг бирнда, демек, ўрқачида бир замонлар бир қабила яшаган экан. Нечўқ бўлиб чўққига чиқиб қолишган? Табиийки, қандайдир ёв, аникроги, қабилалар ҳужумидан сақланиш учун чиқиб қолишган ва у ерни уларига яраша қишлоққа айлан-тиришган экан.

Бу чўққи-тоғнинг пастидан катта бир даре оқиб ўтаркан. Ва қишлоқликлар чўққига махсус асалган нарвон-шоту орқали кутарилиб, шу шотудан тушишаркан.

Очигини айтсам, мен Бойсунтоғнинг Бот-ботоғ билан ушлашган жойида шу Етимчўққи-ни кўрганман. Унинг пойидаги бир мозор-от қошида ўсиб турадиган тансиқ сан-отбарлар тағида туриб томоша қилганман.

Шоту-нарвон — чўққининг пастидан то-тепасигача айлиниб чиққан бўлиб, ҳар бит-та ёғочи тоғ боргаги қозик каби қоқилган ва устига шох-шабга босилиб, одам ва мол ғурўдек ҳалба келтирилган. Аммо нар-вон шу қадар энсизки, битта одам девор-га сувкайиб чиқиси ва тушиши мумкин. Аммо юки енгил бўлган, яъни, устига ор-тилган ҳуржуннинг паллалари ўнчалик қа-п-паймаган бўлса, эшак ҳам чиқиб тушар экан.

Энди денг, шу чўққига кутарилиш ва энишда шафқатсиз бир удуғга амал қили-наркан: агар икки киши — бири оқоридан келатган бўлсаю бири пастдан ўрлаётган бўлса ва ўрашиб қолишса, қуръа ташла-шаркан; ютқазгани узини пастга ташларкан, ютгани утиб кетаркан. Нега энди узаро кели-шиб, бир амаллаб бир-бирига йўл бериш-маган деган савол турғилади.

Қаминада ҳам шу савол турғилган ва жа-воб тополмаганман. Шерикларим ҳам ҳўяли бир гап айтишолмаган. Аммо шу нарса шак-шубҳасиз эканки, пастдан чўққига йўл олган киши ҳам, қўққидан қўйига ана бош-лаган киши ҳам йўлга қишдан олдин шовқин бериб, узини маълум қиларкан.

Бир баҳор куннда тубандаги даре тошиб, пастдаги ўрмонларда овлаб юрган қабила аъзолари шайтон кўприкларни бузилгани учун нариги қирғоқда қолишади. Фақат битта па-к-пакана, ориққина йигитча кўприкнинг синган ёғочлари, сантуклар зангига осили-б, нарғи бетга утиб олибди-да, нарвон-шоту бўйлаб тегача кутарила бошлабди. Табиийки, у пастдан товуш берган: узини-

нг йўлга чиқанини билдирмоқчи бўлган. Аммо селнинг шовқини, ёмғиру шамол-нинг зуридан йигитнинг товуши тегача чиқиб боролмаган экан. Худди шу пайт-да эса тегадан, ёъни, қишлоқчадан қиш-лоқнинг утоғаси, яъни, оқсоқоли ҳам эна бошлаган, у ҳам шовқин берган, бироқ унинг-да товуши тубанга етиб кел-маган экан.

Алқисса, кичкина қаби-ла аъзоси билан қабила бошлиғи — йирик киши сўқмоқда ўрашиб қоли-шади. Оқсоқол овга кет-ган қабила аъзоларидан хабар олгани тушайтгани-ни, йигитча худди ўшалар аҳолидан ушбу оқсоқол-га хабар бергани чиқайт-ганини айтибди. Бу гап тугагандан кейин утоғга бир ошқини қафтда яши-риб, «топ-топ» уйини ма-қомида мушт қилиб ту-ғилган қўлларини йигит-чага қурсатибди. Йигитча ошқини топибди. Демак, оқсоқол узини қўйига ташлаб, йигитчага йўл бериши керак.

Йигитча: «Йўқ, сиз кераксиз қабилага. Менинг бору йўқлигим билинмайди. Мен узини пастликка ташлайман», дебди. Оқсоқол удум бўзилишига йўл қўймаслиғи-ни айтибди. Шунда йигитча «удумни бу-зиб» узини қўйига ташлабди.

Фалакнинг уйинини қарангки, кучли шамол ҳўссаси кичкина йигитчани учириб кетибди. Дарё устига етганда, йигит паст-лаб, тошқин сув бағридан кутарилиб турган бир қари туғнинг устига тушибди. Шохларга ёпишиб олбди.

Тошқин босилиб, шамол тинганидан кейин йигитчанинг мурдасини излаган қа-билалашлари уни ўша тут шохидан туши-риб олишибди. Нарвон шотуга чиқарвири-да бир камарча (ҳамон бор) бор экан, ўшага олиб келишибди.

Гулхан теварағида эшитишибди, оқсоқол-дан бўлган воқеани узиратишибди. Йигитча ўша кунни ўтоғанинг тақлифи ва талаби билан қабилага бошлиқ бўлган экан.

Бу бир жўн воқеа. Лекин бу ҳам одамни ўйлатади. Айниқса, сўқмоқдан чи-қиб тутиш йуриғидаги урф галати: ахир, ушбу оқсоқол (ёхуд бошқа киши) ўша йи-гитчани бир уриб, қўйига тушириб юбо-риши мумкин эди-ку? Биров қуриб турма-ган бўлса, пастга тошқин даре ютаман деб оқайтган бўлса?! Нега шундай қи-лишмаган? Нимани андиша қилишган? Ва нимадан қўришган? .. Балки Рўхлардан-дир, балки Сув тағирисидандир? Балки тағирлар тағирисидан? Бу илоҳий куч-ларнинг мавжудлиғига қабила аҳлининг мутлақ ишонганлиғига шубҳа бўлиши мум-кин эмас. Аммо барибир...

Жон ширин...
«Ширин»-у, қарангки, қандайдир (?) ақидалар, қадриятлар кучи жондан ҳам ширин ва муқаддас экан-да? Яна энг му-ҳими — бу қадрият, бу эътиқоднинг Ин-соннинг энг улуғ фазилатларидан бўлиши — мардлиғи номардлик билан боғлиқлиғи, пироварди, ана шу улуғ туйғуларнинг устивор эканидандир.

Ҳа, ҳаётда номардлик голиб — усти-вор бўлса, ким билсин, инсон бу қулларга етиб келолармиди? Ва Яшилликка, тўғри-ликка, мардликка асосланган қонунлар кашф этолармиди?

СОКИН СУХБАТЛАР

— Нодира опа, шоир Усмон Носир Холаббири аяни нечанчи фарзанди эди, умуман Холаббири аянинг олмаси ҳақида гапириб берсангиз?

— Усмон тоғам Холаббири бувижонимизнинг биринчи фарзандлари бўлган. Оппоқ дадамнинг исмлари Мамаутжўжа бўлиб, Наманган вилоятининг донги кет-ган домлаларидан эканлар. Улар 54 ёш-ларида вафот этган. У кишидан бир ярим ёшли Усмон тоғам қолганлар.

Уша пайтда бувим 28 ёшда бўлган-лар. Уларнинг ой юзини қуриш қарин-дош-уруғдан бошқача насиб этмаган. Чўки улар домланган аёли бўлган-да. Уларнинг кейинги ҳаёти Носирхожи Масодик ўғлига боғланган экан.

эрига ўз сўзини утказмоқчи бўлмаган. Эри вафот этгач ўғ-ли билан фикрлашиб, масла-ҳатлашиб иш тутган. Умр бўйи бош-қариш ва ташаббусдан йироқ яша-ган. Муқаддас китобимиз Куръонда Ўзилганидек рисоладаги хотин бўл-ган. Энг озода аёллардан бўлиб, болаларини ўст-бошини қайта-қайта ювиб, оёқ кийимларини ёғлаб, ҳат-то иссиқ пайтавағача ёмлаб, дазвол-бостанлар. Усмон тоғамни уртоғла-ри келса уларнинг оёқ кийимлари-ни ҳам тозалаб қуяр эканлар. Бу майда-чўйда ишлари улар — замо-насининг ўқимишли аёли катта ҳур-мат билан баҳарганлар. Яна ҳеч ки-мга ўхшамаган фазилатларидан би-ри — мағрурлиғидир. У киши ўз яқинларига ҳеч қачон дарду-ҳасрат қилмаганлар. Мурувват

ЎРИК КЕЛИН — ХОЛАМБИБИ

(Усмон Носирнинг онаси Холаббири ая ҳақида жияни шоира Нодира Рашидова билан суҳбат)

Ҳаётдан қуйган, ёшгина рафика-сини ҳомилдор пайти эски уй бо-сиқ қолиб, умр йўлдоши ва тугула-жақ зуррибидан айрилган Носирхо-жи ўн турт йилда Маккага Ҳажга бо-риб келади. Наманганга қайтгач Аб-дуқаюмжоннинг (Холаббирининг ўка-си) уймада курса қуз қувонадиган ўғилчаси билан яшайтган Холабби-бига совчи қуяди. Носирхожининг кимлигини билган қариндош-уруғ, махалла-қуй ва Холаббири билан су-ҳбат.

Носирхожи хизмат юзасидан Қў-қонга қўчиб келган у ерда уч қиз-лари: 1918 йилда Равазхон, 1922 йилда Рохатхон, 1926 йилда Инобатхон дунёга келган.

— Айтишларига қараганда Холаббири отинча бўлган. Қачон савод чиқарган эканлар?

— Оппоқ дадамнинг онаси Ҳошияхон аз ниҳоятда мулобим, ипақ товушли Ҳо-лаббирини бувимни «Урик келиним» деб атаганлар. Урик келин Холаббири бу дарғоҳда савод чиқарган. Форс ва араб тилларини мукаммал ўрганган — оти-ча бўлганлар.

— Холаббири Мулла Охун ки-зининг ҳеч кимга ўхшамайдиган бекалик, оналик фазилатларидан эшиттанларингизни гапириб берсангиз.

— Оилада аёллар икки тоифа: ҳў-кмирон ва тобе аёлларга бўлинади. Бувим тобе аёллар ғуруҳига кирув-чилардан бўлган. Яъни ҳеч қачон

талабликдан жирканиб, сотқинлар-дан ҳатто қуз ёшини ҳам қизганган. Ҳар қандай қулфатда узини хотир-жам тутга олиш ва вазимлик Холаб-бири бувижонимга хос бўлган.

— Усмон Носирнинг қабиға адабиётга меҳр уруғини солган киши Холаббири ая бўлган эканларда?

— Шубҳасиз. Айтишларига қара-ганда 6 ёшлиғидакёқ тоғам форс-то-жик адабиётининг нодир газаллари-ни бир-нечасини ёддан билган. Бу-ларни унга онаси ўргатган.

— Нодирахон опа, раҳматли Холаббири аяни хотирлаганин-гизда шоир ҳаёлигиздан нимал-лар кечади.

— Бувим Аллоҳи Каримнинг содиқ бандалари бўлган. Менимча улар бе-ҳуда яшаб ўтмаган, бу ёруғ дунёга яна битта юлдуз ҳада этиб кетдилар. Бун-дай бад ҳамага ҳам насиб этавер-майди. Уларга ўхшаш Буюк Оналарни тез-тез эслаб туришимиз керак. Кела-жақ авлодлар ҳам Усмон Носирнинг онасини отини билсинлар, унутмасин-лар. Ахир юрт номини дунёга тарат-ган фарзандларнинг онаси бунга лойиқдирлар.

— Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош: Зулфия Мўминова

ЎЗАЛЛИКНИНГ ИККИ ҚИРРАСИ



Гулчехра опа иш билан бирга ўқиш ва изланишни ҳам узини боғ-лаб олиб боради.

Бир ёқда оила юмушлари, бир ёқ-да раҳбарлик югур-югурларига қара-май илмий изланишларини давом эттирмақда.

Мана бир йилдирки, Гулчехра Ор-тиқова 3-болалар юқумли касаллик-лар шифохонасида фаолият қўрсат-моқда. Бу шифо маскани сарик қа-сали билан оғриган болаларга тиб-бий муолажа қўрсатишга ихтисос-лашган бўлишига қарамай, вазият-га қараб ўткир ичак касалига чалин-ган болаларни ҳам даволайди. Шунингдек, ўткир вирусли нафас йўла-ри касаллиги қулаганда уларга тез-роқ тиббий ёрдам қўрсатиш мақса-дида шундай беморлар ҳам қабул қилинадилар.

Рус ёзувчиси Антон Павлович Че-ховнинг юракларимизга ўрнашиб, ед бўлиб кетган бир сўз бор: «Инсон-нинг ички дунеси гузал бўлсагина у ҳақиқий гузал номини олишга лойиқ-дир». Лекин доно табият ҳаммага ҳам икки гузалликни беравергача ра-во қуравермайди. Бундай бахтга фа-қат Гулчехра опа сингари тағирнинг марҳамати ёғилган покиза ва са-мимий инсонларгина лойиқ бўлади-лар. Эғнидаги либосдек қунгли оқ Гулчехра Ортиқованинг ана шу бах-тига омонлик, касби-қорига ҳамиша ривож тилаймиз

Гулчехра ХУЖАНОВА, А. Навоий номидаги Адабиёт институтининг аспиранти

Ахборот

МАКТАБ ЯРАТГАН УСТОЗ

Халқимиз дунёдаги энг чиройли халқ. Унинг чиройилардан чиройли-роқ фарзандлари қуп. Халқимизнинг қўл минг йилликлар тарихида бун-даим чиройли инсонлар қанчадан-қан-ча... Лекин агар имкон етиб бирма-бир санаб қуриلسа шулар сафида ҳам-нинг раҳматли Зулфия опамиз биз бор...

Зулфия опа чиройли аёл эдилар... Чиройли инсон эдилар... Утавтарн асримизнинг энг мукаммал шахсларидан бири эдилар...

Зулфия опага ул муборак зот номи ёнига албатта қўшиб айтилгувчи барча сифатлар муносиб ва ярашқилидир: Дунё тан олган шоира, ўз мактабини яра-та олган устозларнинг устози, меҳрибон, мушфиқ она, вафо ва сadoқатда узига ҳайкал қўйган аёл...

Икки йилки Зулфия опа Орамузид айўқ

Қуни кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида азиз Зулфия опа хотира-сига бағишлаб йигин бўлиб ўтди. Шоир-нинг сафдошлари, фарзандлари, шо-гирдлари, мухлислари иштирок этган бу йигинда албатта устоз номи билан боғлиқ энг чиройли сўзлар, шеърлар, қўшиқлар янгради. Таниқли ижодкор-лар — Х. Гулом, Р. Бобоқон, И. Ға-фуров, О. Ҳожиева, Й. Сулаймон, Ж. Жабборов, Қ. Раҳимбоева, М. Муродо-ва, Ш. Салимова, М. Улуғова ва бош-қалар шоира шаънига дил сузларини изҳор этдилар. Олима Хўлқар Олимжон-ова онаси ҳақидаги хотиралардан сўз-лади. Зулфиянинг ҳали чоп этилмаган энг сунгги шеърларидан ўқиб берди.

Ўз мухбиримиз

Тақдир

— Эй, сизларни топгунча бу иссиқда жоним халқумимга келди-я, — дейди қабулқонада учратганим — аёл сурашарканмиз. Аёл офтоб тафтини обдон жисму-жонига роса сингдириб олибди — қорайгандан қорайибди. Шундоққина икки ёнида жиккачина жуссасидан каттароқ ва оғирроқ кўк катак нусхали икки сумка. Бир оздан сўнг у қаршимга кириб утиради. Менинг ёдимга унинг боя қурганим икки сумкаси келади:

— Сумкаларингизни ҳам олиб кирдингизми? — Хавотирланиб сурайман мен.— Қабулқонамиз эшиги ҳаммиса очик, Узун коридор бўйлаб эса кун буйи қанчадан-қанча одам у ёқдан бу ёққа ўтиб туради. — Ҳа, узининг ёнида турибди, — дейди аёл.

— Авллар эҳтиёткор, пишиқ халқ, — дейман мен кулиб... — Хуш, бу катта сумкаларни бизнинг туртинчи қаватгача кутариб чиқишда қийналмадингизми?

— Бу катта сумкалар менга чўт бўлмай қолган, урганиб қолганми. Бунақалардан ҳатто туртасини ҳам бемалол кутардим, одамлардан уялман. Хар кун эрталаб — кенчурун кучамиз бошида писта сотиб ўтирадиган аёлдан, айниқса қурқаман. «Ҳой, хотин нечта қўлингиз, нечта жонингиз бор. Сал узингизни ҳам аянг, бу дунёга икки марта келмайсиз-ку ахир, дейди»... «Ишингиз нима», деб турта сумкани ҳам кутараварай, дейман у тагин гап қўпайиб кетмасин, дейман.

— Уша аёл турги айтган, оғир нарса кутариш хотин кишининг соғлиғига зарарлигини тиббиёт ҳам доимо ўқтиради, — дейман мен. — Соғлигингизга дарз кетса уни тиклаш осон эмас-ку. Узингизни

авайлашингиз керак, ахир... — Эҳ, опажонимей, ахир рўзгор-тириқчиликка керак бўлгандан кейин юннинг оғирлиги ҳам сезилмаскан, одамга малол ҳам келмаскан. — Бу ёққа келаркансиз, уйда қолдириб, енгилгина бўлиб олсангиз ҳам буларди-ку. Бунинг устига адашибсиз, манзилмизни топгунча роса қийналибсиз...

— Аслида бу ёққа келиш ҳавлимда ҳам йўқ эди. Майда-чуйда сотаман. Иш жойимга — Бозорга кетаётгудим... Машина тухтатмоқчидим... Куча бошидаги ошқона олдида эримни яна уша аёл ошниси билан ош-қатиқ бўлиб туришганини кўрдим-у, эс-хушимдан айрилиб, қарахт бўлиб икки сумканинг оғирлигини ҳам сезмай, бошим оққан ёққа қараб кетаяверибман. Қавққа кетаяпман, нега кетаяпман? Узим ҳам билмайман. Бир улиб кетиб яна тирилган одамлар ҳақида эшитгандим. Менда ҳам айнан шунка ҳолат юз берди, чоғи... Яшаётганим, нафас олаётганим, ён-веримдан у ёқ-бу ёққа ўтиб турган одамлар, машиналарнинг шов-шуви — ҳамма ҳаммаси мендан узоқлаб, олислаб кетгандек, фақат руҳим сарсон-саргаддон тентираб юргандек бўлди... Анча юрганмидан сўнг узимга келдим, тухтадим. Ким биландир гаплашгим, ҳасратларимни тухиб солгим, кимдир бир меҳрибон одамнинг маслаҳату далдаларини эшитгим келди. — Аёл шу гапларни айтarkan дастурмолачасини олиб бир муддат қуларига босди, пиқиллаб йилгади.

— Кўйинг, йиғламанг, айтмоқчи бўлган гапингизни айтинг, енгил тортасиз, йиги билан ҳеч нарса ўз исига туша қолмайди, — дедим мен.

— Биз асли узоқдан — бошқа вилоятданми. Онам, опажонимей,

сингилларим уша ёқда яшади. Лекин уйлаб турсам, уларнинг узоқдалиги ҳам яхши. Чунки менинг ҳол-ахволимни билса, эшитса қари онам азоб чекади. Опа-сингилларим ҳам менга нима қилиб бера оларди? Ҳаммаси ҳам у рўзгори, ўз ташвишлари билан овора бўлса... Кўн-кушнилари мендан ҳали бирон марта оиламдаги машмаша-ю, хархашалар ҳақида ҳеч гап эшитишмаган. Мени «бахти бекам аёл», деб билешади. Қавққа бориб, кимга дардимни ёрай, деган хавл-уйда кетаётсам олдимдан газета дўконини чиқиб қолди. Бугун чоршанба — «Оила ва жамият» чиқадиган кун эканлигини эсладим, газетани сотиб олдим. Йул четигади уриндиққа ўтира солиб уни ўқий кетдим. Биласизми, бояги жаҳлу газабни, аламу нафратни ҳам унутдим. Ҳар гал шундай бўлади. «Бирни қуриб фикр қил, бирни қуриб шукр қил», деганлардек газета ўқирканман турли тақдирлардан, ҳаётини воқеалардан оғоҳ бўларканман, ўз-ўзимдан тиниб-тинчиб қоламан. Хайрият ҳаётда газета-ю китоблар бор. Улар одамга таскин-тасалли беради. Уйга бозордан ҳориб-чарчаб келаман, узини кутиб турган рўзгор юмушларига унайман, охириқабатда кеч оқшомда холдан тояман. Мана шу сумканинг бир четида ҳар кун сотиб оладиганми газета-журналларни бир қуриб ўқиб чиқмасам кўнглим жойига тушмайди. Ўқийганимни курс эрим халақит беради, қойиб таъбиимни хира қилади деб, ваннахонага кириб эшигини ичкаридан заанжираб оламанда узини кир юваётгандек курсатаман. Аслида эса газета ўқийган бўлам.

— Қизиқ одатингиз бор экан-ку... Айтинг-чи, нима гап ўтганди, узи?

— Опажон, шу эримдан қутулиш йулини тополмай қийналмоқдаман, — аёл пиқийиб йилгади... — Ҳозиргина ўзингиз бир аёл билан турганини қурибоқ йулимдан ҳам адашиб улоқиб кетдим, деяпсиз-ку... Яна ундан қандай қутулиш чорасини сураясиз... — Э, асти сўраманг, узи довдираб қолганман. Уйлай-

сам, «Нега хурсандсан, нима биронтаси кўнглингни чоғ қилиб юбордим?» — дейди. Аёл одамнинг минг бир дарди бор эмасми, тушкун ҳолатда бўлсам «Нима, бугун кўнглингни чоғ қиладигани билан қуришолмадингми?» — дейди. Хулласи калом йўқ жойдан баҳона қилириб топади. Гап қайтарсам муштумини ишга солади... Индамай тишимни ти-

БУ ЭРКАККА ШУНДАЙ

* Эримни яна уша аёл билан кўрдиму, икки сумканинг оғирлигини ҳам сезмай бошим оққан ёққа кетаявердим.

* Хотинлар пулсиз эркак билан гаплашиб ўтирмайди.

* Мен ҳали-вери яхши либос киёолайман...

* Эркак калин кўрпача устида телевизорга тикилиб ётибди.

* Эркак каддини тик тутиб эркак эканлигини тан олсин...

ман, уйлайман, уйимнинг охириқабати қуринмайди. Эрим дурустгина вазифада ишларди. Лекин феъли чатоқ. Шу туфайли ишидан бўшатиб қўя қолишди. Тайинли бир иши йўқ. Бекорчи эркакдан ёмони йўқ экан. Узун-кун уйда қурпачага узала тушиб телевизордан куз узмай ётгани ётган. Рўзгор нима, тириқчилик нима, нима бор — нима йўқ — қани энди парвосига келса? Мен калаи сахарлаб бозорга кетаман. Ёзда исидан лоҳас бўлиб, қишда совуқдан тарашадай тиришиб уйга қайтаман. Ҳеч бўлмаса сумкаларни кутаришай демаганига яраша бир тузук — қуруқ гап-суз ҳам йўқ. Эшиқдан кулиб кир-

шимга боссам, «Мен гапирганда нега миқ этмайсан», — дея яна муштуми билан уда-гайлайди. Деярли ҳар кун и ахвол шу...

— Болаларингиз нечта? — Учта. Бунақани турмуш болаларининг ҳам бадиға тегиб кетибди. «Ая, дадам билан ажраша қўлинг, бундоқ узингиз тинчгина яшайлик», дейдиган бўлиб қолишди бир овозда. Бошқа оила-ларга қараб ҳавасим келади. Эр-хотин бир-бирини қадрига этиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб, рўзгор юкни бирга-бирга тортиб яшаганга не етсин?..

«КўНГИЛНИНГ ЙЎРИГИ БУЛАК»

(«Оила ва жамият», 28-сон)

Ассалому алайкум Дилбар САИДОВА! Мен «Кўнглининг йўриги булак...» мақоласининг ҳақрамониман. Мақолани кўзимда ёш билан, ҳажжон билан қайта-қайта ўқиб чиқдим. Ҳаётимни узиндан ҳам яхши тасаввур қилибсиз. Мақолани ўқиб узимда енгиллик туйдим. Мен кўнглимга қараб иш қилолмадим. Кўз очиб қурганим бўлса ҳам, кўнглим истаса ҳам кўнгли кўчасига қиролмадим. Ҳамон-ҳамон кўнглим қургур тортади. Кўнглим галаён қилган вақтларда невараларимни қаторлаштириб, (дийдор ганимат деб) ёнидан утаман ёки ёлғиз узим бўлсам узоқдан бир қуриб утаман. Анча тафтим босилади. Шу учрашувлар (пинҳона ва ошқора) ҳаётимга мазмун киритди. Ҳаётимда ҳеч узим учун яшамадим. Энди, узимга озгина қарайдиган бўлдим, битта оҳорлик куйлак тиктирдим (рўзгордан ортиб), усма қўядиган бўлдим.

Оллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, менга шунча сабр-қаноат, мустаҳкам ирода бериб қўйибди. Қурган вақтимда узимни қўлга ололаман. Ёнидан утган вақтимда қарагим келса ҳам қарамайман, гаплашгим келса ҳам тез ўтиб кетаман. Гурур йул қўймайдими-ей, ирода ана шундай мустаҳкам.

Дилбар Саидова! Сизнинг бир гапингизни ҳар кун эслайман: «Ҳаёт нима ни берса, шуни олиш керак», — дедингиз. Нега сизни илгарироқ учратмадим? Шу сўзни илгарироқ эшитмадим. Ярашамиз, деб келган вақтда бошқа одамлар билан ҳам маслаҳатлашган эдик. Ҳеч ким ярашганини маслаҳат бермади.

Майли, қорада қурсак қорнимиз туқ. Емонлик соғинмаймиз, Умри узоқ бўлсин. Шу учрашувлар насиб қилганига ҳам шукр! Аҳён-аҳёнда учрашганимизни узи ўқис кўнглимни тоғдек кутаради. Ривоят қилишларича, одамлар бир-бирлари билан дийдор қуришиш учун яратилар экан...

Мақола орасидаги сурат ҳам жуда муносиб тасвирланган. Худди кўнглимга ўхшаган ёлғиз, мунгли.

НОМАЪЛУМ АЕЛ

Ёдингиздан чиқмадимми?

Газетамизнинг 1 июль 25-сонида «Уша воқеани бир сўзлаб бериңг» сарлавҳаси остида «Кўнларнинг бирида...» конкурсини эълон қилган эдик. Унда Сизга қарата мана бундай деб мурожаат қилгандик: «Эсланг, кўнлардан бир кун ҳаётингизда шундай бир воқеа юз бергандики, шу туфайли ҳаётингиз остин-устун бўлганди, шу туфайли Сиз бахту омадга эришгандики ёки ва ё бахту омад Сиздан ўз угирганди... Ана шу ҳаётингиздаги унутилмас бир кун ҳақидаги ҳикояни бизга ёзиб юборинг...»

Унда ана конкурс голиблари «Оила ва жамият»га бир йиллик, эрим йиллик, уч ойлик бепул обуна қилиниш-

лари маълум қилинганди. Шошилиниг, эсланг, бизга ёзиб юборинг. «Кўнларнинг бирида...» конкурси ҳамон давом этапти...

«Оила ва жамият»нинг 8-июль 26-сонидаги «Қадри баламд бўлсин» мақоласида қизларни эрта турмушга узатиш оқибатида юзага келадиган ноҳуш оқи батлар қаламга олиниб, Сизларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларингиз, ҳаётини хулосаларингизни кутиб қолишимизни баён этгандик. Бир энлик мактубингиз, фикрингизга муштоқмиз...

Худди уша сонда Ҳалимаҳон (асл номи бошқанинг «Бир йўлдошинг бўлсин экан» деб номланган дил ихори ҳам эълон қилинганини эслатмоқчимиз. Унда ёши 40 дан ошиб қолган, лекин ҳаётдан умиди узилмаган жувон узига

Фикр

«ТУШ ТАБЫРНОМАСИ»НИ ЯРАТАЙЛИК

Бундаини ҳолат ҳар биримизда ҳам юз беради. Узини яшаётган, нафас олаётган бу дуненинг сир синатларини, муъжизаларини, тилсимларини, дунда келарканмиз ҳар гал хайратда яол қоламиз, ахаббаларимиз, яратганга тасаннолар Уйимиз...

Кўнгузга ҳаётимизни «туш», туғил уйидаги ҳаётимизни «туш» деб атайлик ва ўндаги ҳолатимизни туша қўриб, туша ҳам худдики, ўндагидай қувониб, қайғу чекиб, уйғониб кетган эса қурганимизни тақдир этиб, кимларгадир ҳикоя қилиб, таъбирини албатта яхшиликка йўйиб, қутамиз...

Лекин тақдирини таъбир этиб бўлмайди, деганлардек барибир пешонага битгани юз бераверади. Шунда яна уша қурган тушимизни бирма-бир эслаймиз. Туш бизни нимагандоридан оғоҳ этмоқчи бўлганини атайлик. Бизнинг биз яшав турган бу дунёдан ташқарида ҳам, яъни бизнинг бориғимиз холиш-иродамиздан ташқарида яна бир дунё бориғига шак келтирамиз.

Шу муносабат билан Сизга тақлифимизни ихзор этсам: Бу тилсимли дуненинг биргина тушингиз ва шу туш асосида бошынгиздан кеч-қан қургулларини ёдланг ва бизга ёзиб юборинг. Бу воқеалар кимларгадир асотиҳи, кимларнидир узини қутаетган ҳам-қайғудан асраб қолиши, кимларнидир қуталётган бахту омаддан оғоҳ этиши мулкчилигини унутмаган ҳолда «Оила ва жамият»нинг «Туш таъбирномасини яратайлик.

Таҳририят

ЧОРШАНБАДАН

муносиб жуфти ҳалол илаши — истиша баён этилганди. Ҳалимаҳонга мактублар келди, лекин ҳамон... узи каби йул ўртасида йўлдош излаётганлардан мактуб кутаяпти. Мактубни редакциямиз манзилга йўлласангиз бу омонатингизни биз эгаси қўлига етказамиз.

Утган сонларимиздан бирида «Биз дода деймиз, сизчи?» мақоласи эълон қилинганди. Ўзбекистон катта юрт, бой юрт, хосиятли юрт... Меҳрпарвар юртдошларимиз ўз қондошларини қандай аташарди? Мақолада ана шу ҳақда сўз юритилганди. Бу мақола юзасидан

садо берамиз, албатта. Лекин тандирга олов ёқиш, йигитларнинг юрагига ўт «ёқиш» эмаслигини билган билди. Билмаган эса... Ангор туманидаги Қорасув жомоа хужалиғида яшовчи О. Қажҳоровағ ухшаб қул-оғқларини қуйдириб олади.

ИККИНЧИ «ХОТИН»НИНГ ҚОИДСИ

Эркак кичи учун машина иккинчи хотиндек гап. Лекин биринчисини сенсираса ҳам, иккинчисини сизлайди. Кейин унинг қонун ва қондасига бўйсунишга мажбурдир, қунада ҳам, уйда ҳам.

Бирок, Китоб туманидаги автомобиль йўлларидан фойдаланиш бошқармаси йул соловчилар қунада қондини бузишиди. Тушлик пайтида гурунға берилиб ёнғиндан бе-хабар қолишди. Натияжада дам олиш уйининг шифти ва томи қуйиб кетди.

ҚОШГА ЎСМА ЯРАШАДИМИ?..

Қиз-жувонларимизнинг қалдирғочдек қошига усма ярашади-ми? — «Ҳа!», — деб юрак утдан

— Шу гапларни узига ҳам айтасизми?
 — Минг айтинг ҳеч ҳам таъсир қилмайди...
 — Кучада курганингиз аёлдан рашк қилаясыз...
 — Э, опажон рашк қавқда, яхши куриш деган гап бўлмагандан кейин рашкка бало борми?
 — Нега қизганиб, бунчалар

— Эрингиз билан бирга гаплашиб турган уша аёлдан бекордан — бекор хавфсиз рағадирсиз? Балки улар урта-сида ҳеч гап йўқдир...
 — Йўқ, гап бор... Бундан олдин ҳам уч-тўрт марта уларни бирга курганман. Уша аёлнинг ҳатто эри ҳам бор. Болалари бор.
 — Энди эрли, бола-чақали

қилишим керак, айтинг...
 — Синглим, бу гапларга парво қилманг. Узингизни со-вуққон, лоқайд тутинг, қадрингизни баланд тутинг. Кўпроқ узингиз ҳақингизда уйланг... Бунга қаранг жуда қорайиб кетибсиз. Одам ҳам узига нисбатан шунчалар бепарво буладими? Юз терингиз бу кетиш-да тезда буришиб қолади. Ана ундан кейин эрингиздан яна гап эшитасиз! «Сен хунук хотин бўлсанг, куча эса чиroyли хотинга тўла, ушаларга қарайман-да», — демайдими?
 — Юз терисини уйлашга на вақтим, на имконим бор, опа...
 — Ҳалиги, эрингизнинг аёл ошнасиз оппоқ бўлса керак-а...
 — Ҳа, энди опажон, мен ҳам соя-салқинда утириб ишла-сам, оппоқна булардимку-я...
 — Зудлик билан узингизни паравриш қилинг, юзингиз терисини юмшатувчи, оқартирувчи кремлар олиб, ишга киришинг.

кейин қизимнинг ҳам буйи чўзилиб қолди. Ҳали унинг учун ҳам энди сандиқ олиб сарпо йиғишим керак.

Бу аёлнинг дард-ҳасратига, муаммоларига даво топишим қилинга ухшайди, уйлайман мен. Масалага қандай ёндошмайин, унинг узида жавоб аниқ. Менинг маслаҳатимга ҳам, фикру хулосамга ҳам урин йўқ. Энди мени ҳам маҳзун қайфият эгаллайди.



— Нима қилсам, сизга ёрдам берган бўлаимиз, айтинг, — дейман мен. — Балки маҳалла ё туманингиз хотин-қизлар қўмитаси фаоллари эрингизни тартибга чақириб қуйишар.

— Йўқ, керак эмас. Элга дoston бўлишни сираям истайман...
 — Дўппослаб турадиган ода-ти ҳам бор, — дедингиз у-ч-стакангиздаги милицияга ҳеч борганмисиз?
 — Бир гал бошимга каттик ургангидан бошим айланиб, кўз олдим қоронгулашиб йиқилди-ган ҳолатда юганимда ҳам бор-маганман. Оғригимга чидаш беролмай охири духтирларга учра-дим. Шунда ҳам бошимни офтоб урди, шунга оғриятти, деганман.
 — Аҳволингизни ота-онан-гизга, яқинларингизга айтмас экан-сиз, қўшилларингиз сизни бахти-ёр аёл, деб уйлаб юришар экан, маҳалла қўмитасини хабар-дор этишни истамасангиз, мили-цияга бирон марта бормасан-гиз... Сизга нима дейишга ҳам оғизман, синглим...

— Сизга раҳмат опа, гаплар-имни тоқат билан тингладингиз, — Ишимиз энди шунда, биз-нинг қўлимиздан фақат тинглаш ва ёзишгина келади.

— Йўқ, йўқ, опажон, мени яна ёзиб юрманг. Ёзинг, деб олдингизга келганим йўқ. Ҳо-зир шунанқам енгил тортдим... Энди борақолай, офтоб ости-

даги жойимни битта-яримта тагин эгаллаб олган бўлма-син. Майли, раҳмат, ҳали яна бир келарман. Яхши кунлар-да учрашармиз...
 Аёл икки сумкани кўтарган-ча кетди. Бу суҳбатдан қон-қиммадим. Ва шунингдек, ун-га бирон жуяли маслаҳат ҳам, аҳволини енгиллатадиган бирон ёрдам ҳам беролмадим. Назаримда узаро суҳбатимиз чала қолгандек туюлаверди...
 Кейин эса азиз газетчи-лар, сизларни эсладим у кун-глим ҳам, фикрим ҳам ёриш-ди... Мен-ку бу аёлга ўзим билганча ўз муносабатимни, маслаҳатимни баён этдим. Яна шунга иқдор бўлдимки, аёл ўз оиласининг тинчлиги, фаровонлиги, бахти учун жо-нони жабборга бериб, елиб-югуриб юрибди... Лекин эр-как-чи? Эрак уй уртасига қи-лина кўрпачани тушаб эрини-б-гина телевизорга тикилиб ётибди. Келинг, азиялар! Шу эракни ўз фарзандимиз деб билиб, унга ота бўлиб, она бў-либ-биргалалашиб шундай бир суларни айтилашқини, бу сулар зарбидан уридан иргиб тур-син, қаддини тик тутиб эрак-какчилигини, ота деган номи борлигини, шу оила бошли-ги-масули эканини тан ол-син. Болалари учун меҳри-бон, муқаррам, улуг зотга айлансин, аёлини асрасин, авайласин...

Дилбар САИДОВА

БИР СЎЗ АЙТСАК...

қийналиб келдингиз бўлмасам?
 — Рашк эмас, гашлик бор кунглимда... Мен қора терга ботиб рўзгор учун жонимни жабборга бериб елиб-югуриб юрсам-у, бу эркак... — Авл яна йнглаб юборди. Румолча-си билан қуйилиб келатган кўз ёшларини қайта-қайта ар-тади.

— Эрим ишламайди, дей-сиз, шунга кура чунтаги қуруқ бўлса керак. Хотинлар ҳам анойи эмас! Пулсиз эркак билан гаплашиб утирмайди.

— Эримни бир курсангиз узингиз ҳам тан берасиз-қо-матдор, куркам эркак. Ҳар қан-дай кийим ҳам ярашиб туради нга. Кучадаги муомала-муно-абати ҳам уйдагидай эмас, «ошқача». «Сен ким бўлсан, ир имо ишорамга маҳтал хо-ин кучада тўлиб-тошиб ётиб-ди», — дейди у. «Чунтақда бир мирингиз ҳам йўқ-ку», — деб сизнинг гапингизни айтман.

— «Менинг турган-битганим пул», — деб жавоб беради... Кети-нг, десам кетмаса, тинч яшай-лик, десам бунга кунмаса, рўз-горга қарашмаса, ҳеч тап тор-тиб юрадиган аёллари билан мақтаниб керилса, ахир шу бечорагина хотиним-ку, деб кунглида ҳеч бир раҳм-шафқати бўлмаса, нима қили-шим керак, билмайман?».

аёли бекордан-бекорга айб-дор қилиш яхши иш эмас, син-глим. Қуйинг бу гапларни ҳаёлингиздан чиқариб ташла-нг.

— Юқорида айтганимдек ав-валига эрим мақтанди. «Фалон жонда зури бор. Бечора эри-дан рушнолик курмаскан. Узи менга осилиб олди», деди. Ишонмай юрдим. Кейин койладим. Пойласам унинг айт-ганлари, менинг шубҳаю гум-ноларим турги бўлиб чиқди. Иккови бирга гаплашиб турга-ни устидан чиқавердим.

— Уларни қаерда бирга уч-раддингиз?
 — Аёлнинг ишончаси олди-да...

— Аёлдан ҳам нима гап узи, деб сурадингизми?
 — Сурадим «Эрингизни бо-шимга ураманми. Эрга зор аёл бўлмасам. Узи росаям шилқим экан. Узингиз айбдорсиз-жило-вини маҳкамроқ ушласангиз бўлмайдими?» — дейди. «Гуна-хин кузини сузмаса, бука ипи-ни узмайди», — дейишади.

